

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

Магистратура бўлими

Курс иши

Мавзу: Тижорат банклари кредит портфели аудити

Муаллиф: магистрант Тошпулатов Д

Илмий раҳбар: и.ф.н Ортиқов У

ТОШКЕНТ-2013

Кириш

Режа:

1. Тижорат банклари кредит портфели ва унинг ташкил қилиниши
2. Тижорат банклари кредит портфелини портфелини бошқарилишини ва уни таснифланишини текшириш
3. Тижорат банклари кредит портфелининг таҳлили ва аудити

Хулоса

Адабиётлар рўйхати

Кириш

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин халқимиз олдида жуда муҳим масала, яъни ўз фаровон истиқболини яратишда ва ривожланган мамлакатлар даражасига етиб боришда иқтисодий ривожланишнинг қайси йўналишини танлаш ва ушбу йўналишни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тадбиқ этиш масаласи юзага келди. Республикамизда бозор иқтисодиётини жорий қилишда давлатимиз томонидан бир қанча иқтисодий ислохотлар амалга оширилди. Буларнинг натижаси ўлароқ, иқтисодиётнинг муҳим соҳаларидан бири бўлмиш банк тизимида ҳам сезиларли ўзгаришлар вужудга келди. Бу даврда Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисидаги" Қонуни, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги" Қонуни ва республикамизда банк тизимини тартибга солиш ва ривожлантириш бўйича бошқа бир қанча меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Дунёнинг барча мамлакатларида аҳолининг йирик қисми, давлат ва давлат ташкилотлари, корпоратив мижозлар ва бошқа барча ташкилотлар тижорат банкларининг хизматларидан фойдаланадилар. Иқтисодий тамойил ва меъёрий қонунчиликка амал қилган ҳолда фаолият кўрсатаётган банк тизими иқтисодиётнинг ривожланишини ва миллий валютанинг барқарорлашувини таъминлайди. Албатта, банк бошқаруви самарадорлиги ва иқтисодий тамойилларга амал қилиши қанча юқори бўлса, у шунчалик кўп фойда кўради ва натижада барқарор молиявий институтга айланади. Шунинг учун бошқарув самарадорлигини ошириш ҳар қандай ижтимоий ривожланиш даражасида ҳар бир давлатда муҳим вазифа ҳисобланади. Молиявий институт сифатида банк фаолияти ликвидлилик ҳолатини таъминлаб,

рискларни камайтириб, қўйилма эгалари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини сақлаган ҳолда юқори даромад олишга қаратилган фаолиятдир. Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ривожланиши босқичида банк бошқаруви самарадорлиги масаласи ўзгача маъно касб этади. Ушбу масалаларнинг аксарият қисми ечими юқори малакали мутахассислар томонидан ўтказиладиган аудиторлик текшируви орқали амалга оширилади. Ҳаммамизга маълумки, мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар аудиторлик фирмаларининг ҳулосаси ва маслаҳатига мухтождирлар.

Банклар томонидан кредит беришнинг умумий қоидалари давлат томонидан белгилаб берилади ва бу жараёни ўз ваколатлари доирасида Марказий банк амалга оширади. Муайян тармоқлар ва соҳаларнинг ривожланишини рағбатлантириш мақсадларида қарз олувчиларнинг турли гуруҳларига давлат кафолатлари ва имтиёзлари жорий этилади. Кредитдан мамлакат экспорт потенциалини юксалтириш, уй-жой қурилишини, капитал қўйилмаларни рағбатлантириш, регионларни жадал ривожлантириш мақсадларида фойдаланишга берилганлиги учун кредит портфелини ва кредитлаш жараёни билан боғлиқ барча операциялар меъёрий ҳужжатларга тўғри келишлилиги аудит қилиб борилиши лозим.

1. Тижорат банклари кредит портфели ва унинг ташкил қилиниши

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тижорат банкларининг бош вазифаси у ёки бу соҳада жамғарилган эркин пул маблағларини аккумуляция қилиш ва уларни умумиқтисодиёт учун самара келтирадиган соҳаларга йўналтиришдир. Миллий иқтисодиёт реал секторини молиялаштириш манбалари орасида банкларнинг, хусусан банк кредитининг аҳамияти беқиёсдир. Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларининг барча операциялари риск билан боғлиқдир. Айниқса бу кредит операцияларида яққол кўзга ташланади. Кредит операциялари жараёнида рискларни бошқаришнинг муҳим элементлари бўлиб, мукаммал ишлаб чиқилган кредит сиёсати ва кредитлаш жараёнини самарали олиб бориш, сифатли кредит портфелини шакллантириш ва уни оқилона бошқариш бўлиб ҳисобланади. Банк кредит портфелини бошқариш унинг кредит сиёсатининг муҳим элементи дир.

Кредит портфели

Тижорат банклари кредит портфели – бу турли хил кредит рискларга асосланган муайян мезонларга қараб туркумланган кредитлар миқёсидаги банк талабларининг йиғиндисидир. Умуман олганда банк томонидан берилган барча кредитлар кредит портфелини ташкил қилади.


Тижорат банклари кредит портфелини ташкил қилишнинг асосий мақсади банкнинг кредит сиёсати соҳасидаги стратегиясини ишлаб чиқиш, кредитлар сифатини таҳлил қилиш ва уни яхшилаш соҳасида чоралар ишлаб чиқишдан иборат.

Тижорат банкларининг кредит портфелини ташкил қилиш кредитлашни ташкил қилиш тамойилларига асосланган ўлиши лозим. Тижорат банклари фаолиятининг барқарорлиги ва рақобат-бардошлиги уларнинг ресурсларини тўғри ташкил қилиш ва улардан оқилона фойдаланишга боғлиқ. Шунини таъкидлаш лозимки, тижорат банкларининг депозит ва кредит портфелини ташкил қилиш, бошқариш, уни диверсификация қилиш соҳасида қатор ечилмаган муаммолар мавжуд. Бозор иқтисодиёти кенг ривожланган мамлакатларда тижорат банкларнинг кредит сиёсатига, уларнинг кредит портфели ва унинг сифатига, ундан фойдаланиш даражасига катта эътибор берилади.

Банклар фаолиятида кредит операциялари асосий ўринни эгаллагани учун уларнинг кредит портфелини тўғри ташкил қилиш банкларнинг самарали ва барқарор фаолият кўрсатиши учун имконият яратиб берувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Кредит операцияларини олиб боришда йул қўйилган камчиликлар банклар даромадининг камайишига, баъзи доллар да уларнинг синиб кетишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли банкларнинг кредит портфели ва унинг сифатини назорат қилиб бориш тижорат банкларининг самарали фаолиятининг гаровидир

Кредит портфелини ташкил қилишда кредитнинг асосий тамойиллари мақсадлилиқ, муддатлилиқ, таъминланганлиқ, тўловга қобиллиқ ва қайтариб бериш қабиларга мукамал риоя қилиш лозим. Кредитлаш тамойилларининг бузилиши тижорат банкининг қобил кредит портфелининг сифатининг тушиб кетишига олиб келади.

Қуйидаги диаграммадан кўриниб турибдики, банк активлари ўтган йилга нисбатан 32,4 фоизга ўсиб, 27,5 триллион сўмга етди




2. Тижорат банклари кредит портфелини портфелини бошқарилишини ва уни таснифланишини текшириш

Кредит портфелини бошқаришнинг асосий усулларида бири диверсификациядир.

Кредит портфели диверсификацияси – бу банкнинг баъзи мижозлардан кўрган зарарларини бошқа мижозлардан кўрган даромад ҳисобидан қоплаш мақсадида банкнинг кредит ресурсларини кам миқдорда кўп сонди мижозлар ўртасида тақсимлашдир. Диверсификацияланган портфел бу риск жиҳатдан бир – бирига боғлиқ бўлмаган кичик кредитлар тўпламини ўзида мужассамлаштиради.

Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан тақдим этилаётган кредитлар бугунги кунда автомобильсозлик, нефть-газ, кимё, электротехника каби юқори технологияли ва стратегик муҳим тармоқларда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, 2011 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 35,6 фоиз ошиб, бугунги кунда уларнинг миқдори 15,6 триллион сўмга етди. Ушбу диаграмма маълумолтаридан кўриниб турибдики, тижорат банклари томонидан берилган кредитлар сўнгги йилларда фақат ўсиш динамикасига эга бўлган ва уларнинг 75 фоиздан ортиғини узок муддатли кредитлар ташкил этган.



Кредит портфелини диверсификация қилишда қуйидаги хусусиятларни ўзида мужассамлаштириши лозимлиги текширилади.

- Кредитни кўп сонли турли тармоққа тааллуқли мижозлар ўртасида тақсимлаш
- Кредитни кам миқдорда бериш ва бир мижоздан кўрилиши мумкин бўлган зарарни бошқа мижозлардан келадиган фойда орқали қоплаш.
- Кредитнинг умумий ҳажмини сақлаб турган ҳолда қисқа муддатларга бериш.

Кредитларнинг таъминланганлиги бўйича диверсификация ўтказиш.

Кредитларни таснифлаш қарз олувчининг фаолиятини текширишда қуйидаги мезонлар орқали баҳолашдан бошланиши керак

- мижознинг тўловлари тарихи;
- тармоқнинг келажаги ва анъанавий ривожланиш усуллари;
- корхонанинг умумий ҳолати;

- кредитланадиган лойиҳанинг ҳолати ва самарадорлиги;
- корхонанинг молиявий ҳолати;
- корхонада бошқарув ва раҳбарлик сифати;
- корхонанинг ривожланиш режаси, стратегияси ва бошқалар

Банкларнинг кредит портфелини қуйидаги йўналишлар бўйича таснифлаш мумкин:

- Риск даражаси бўйича
- Тармоқлар бўйича
- Кредитнинг мақсади бўйича
- Муддати бўйича
- Кредит ҳажми бўйича
- Таъминланганлик шакли бўйича
- Мулкчилик шакли бўйича

Кредит портфелини берилган ссудаларнинг таъминланганлик даражасига қараб қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

- I даражали таъминланган
- Бошқа таъминотга эга бўлган таъминланган
- Тўлиқ таъминланмаган
- Таъминланмаган

Муаммоли кредитлар юзага келиш сабаблари бўйича бир-биридан фарқ килсада, уларнинг - олдини олишда қуйидаги ёндашишлар кул келиши мумкин. Бунда:

- — қарзни реструктуризақиялаш дастурини ишлаб чиқариш;
- — кўпинча ҳужжатлар ва кафолатлар олиш;
- — гаровни сотиш;
- — бонқа активларни сотиш;
- — кафолат бўйича тўловни талаб қилиш;
- — бошқарувни алмаштириш;
- — менежмент ишларини олиб бориш;
- — ҳукуқий масалаларни кўриб чиқиш ва бошқалар

3.Тижорат банклари кредит портфелининг таҳлили ва аудити

Банк кредит портфелини вақти - вақти билан баҳолашга жавобгар бўлган мансабдор шахсларни белгилаши ҳамда кредит портфели сифатини аниқлаш ва тузатишлар минимал юзага келувчи йўқотишлар билан амалга оширилиши учун муаммоли кредитларни аниқлаш учун зарур бўлган ички банк кредит таҳлили мақсадларини белгилаб қўйиши лозим.

Таҳлил мақсадлари кредит сифатини аниқлаш билан бир қаторда кредитлаш жараёнини бошқариш сифатини баҳолаш, жумладан, тасдиқланган кредит сиёсатига ва кредит ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнларига, молиявий таҳлил, гаровни расмийлаштириш ва баҳолаш, кредитлашга доир ваколатларни тақсимлаш, қонунчилик меъёрларига риоя қилишга мувофиқлигини таъминлаш ўз ичига олиши лозим.

Кредит сиёсати банк хизматлари ва бўлинмалари томонидан Банк Бошқаруви ва Кенгашига кредитлашнинг турли жиҳатлари бўйича тақдим этиладиган ҳамда кредит портфели сифати тўғрисидаги хулосаларни ва кредит портфелини бошқариш билан боғлиқ бўлган бошқа маълумотларни ўз ичига олган ҳисоботлар тури ва даврийлигини белгилаши лозим.

Ҳисоботлар филиаллар ва банк бўйича умуман кредитлаш воситалари ва йўналишларига қараб таваккалчиликларни баҳолаш учун бошқаришнинг турли даражаларига мослаштирилган ҳамда батафсил ёритилган бўлиши керак.

Банк томонидан кредитлаш соҳасида ўз мақсади доирасида аниқ ва тўғри ёндашув учун қуйидаги омиллар катта аҳамият касб этади:

➤ белгиланган муддат учун банкни умумий мақсадларини ишлаб чиқиши, жумладан ликвидлик ва фойдалилик ўртасидаги муносабат;

➤ мамлакат ёки региондаги умумий кредит қўйилмалари массасига нисбатан кредит ресурсларини (марказлашган ресурслар ҳам қўшилади) муносабати.

Банк кредит портфели таҳлилининг асосий босқичлари.

№	Таҳлил қисмлари	Маълумотларни аниқроқ очиб берилиши
1	Кредитларнинг ҳолати бўйича таҳлили	Жорий, муддати ўтган, муддати узайтирилган, суддаги кредитлар, ўсиб бормайдиган статустадаги кредитлар, ҳисобдан чиқарилган кредитлар.
2	Кредитларнинг муддати бўйича таҳлили	Қисқа муддатли , узок муддатли овердрафлар.
3	Иқтисодиёт тармоқлари бўйича таҳлили	Саноат, қишлоқ хўжалик, кичик бизнес, савдо, давлат траншлари, микро кредитлар, истеъмол кредитлари.
4	Фоиз ставкалари бўйича таҳлили	Имтиёзли, қайта молиялаштириш ставкаси даражасида, тижорат.
5	Таъминот тури бўйича таҳлили	Ишончли кредитлар, мулк гарови, учинчи шахс кафолати, кафолатланган кредитлар.
6	Кредит сифати таҳлили	Яхши, стандарт, субстандарт,

		шубҳали, ишончсиз.
7	Кредитларнинг манбаси бўйича таҳлили	Банкнинг ўз маблағлари, жалб қилинган маблағлар.
8	Кредитларнинг мақсади бўйича таҳлили	Тижорат, айланма маблағларни тўлдириш.
9	Аудит қилиш даврида кредитларнинг ўзгариши динамикасининг таҳлили	Кредитлаш ҳажмининг ошиши ёки камайиши, муаммоли кредитларнинг улуши ва улар билан ишлаш самарадорлигининг, резервлар суммасининг, кредит активлари рентабеллигининг ўсиши ёки пасайиши.

Гаров шартномаси тузилгандан кейин кредит оловчи ва банк уртасида кредит шартномаси тузилади ва кредит берилиши мумкин бўлади. Банк томонидан қарз оловчига кредит берилаётганда алоҳида кредит счғти олчилиши (хисоб-китоб ракамидан ташқари), хисоб китоб ракамидан тухтатган ҳолда кредит хисобраками очилиши ёки хисоб-китоб ракамидан кредит шартномасида курсатилган миқдорда ортиқча маблағни сарфланишига рухсат берилиши мумкин.

Банкларда берилган кредитларнинг синтетик ҳисоби қуйидаги баланс счётларида акс эттирилади:

11900	-	Марказий банка берилган киска муддатли ссудалар
11901	-	Марказий банка берилган киска муддатли ссудалар

12100	-	Бошка банкларга берилган киска муддатли ссудалар
12101	-	Бошка банкларга берилган киска муддатли ссудалар
12105	-	Бошка банкларга берилган муддати утган ссудалар
12109	-	Бошка банкларга берилган шартлари кайта куриб чикилган киска муддатли ссудалар
12199	-	Бошка банкларга берилган киска муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
12300	-	Хукуматга берилган киска муддатли ссудалар
12301	-	Хукуматга берилган киска муддатли ссудалар
12305	-	Хукуматга берилган муддати утган ссудалар
12309	-	Хукуматга берилган шартлари кайта куриб чикилган киска муддатли ссудалар
12399	-	Хукуматга берилган киска муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
12500	-	Жисмоний шахсларга берилган киска муддатли ссудалар
12501	-	Жисмоний шахсларга берилган киска муддатли ссудалар
12505	-	Жисмоний шахсларга берилган муддати утган ссудалар
12509	-	Жисмоний шахсларга берилган шартлари кайта куриб чикилган киска муддатли ссудалар
12599	-	Жисмоний шахсларга берилган киска муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
12600	-	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган киска муддатли ссудалар
12601	-	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган киска муддатли ссудалар

12605	-	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган муддати утган ссудалар
12609	-	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган шартлари кайта куриб чикилган киска муддатли ссудалар
12699	-	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган киска муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
12700	-	Давлат корхона ва ташкилотларига берилган киска муддатли ссудалар
12701	-	Давлат корхона ва ташкилотларига берилган киска муддатли ссудалар
12705	-	Давлат корхона ва ташкилотларига берилган муддати утган ссудалар
12709	-	Давлат корхона ва ташкилотларига берилган шартлари кайта куриб чикилган киска муддатли ссудалар
12799	-	Давлат корхона ва ташкилотларига берилган киска муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
12900	-	Кушма корхоналарга берилган киска муддатли ссудалар
12901	-	Кушма корхоналарга берилган киска муддатли ссудалар
12905	-	Кушма корхоналарга берилган муддати утган ссудалар
12909	-	Кушма корхоналарга берилган шартлари кайта куриб чикилган киска муддатли ссудалар
12999	-	Кушма корхоналарга берилган киска муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
13000	-	Жамоат ташкилотларига берилган киска муддатли ссудалар
13001	-	Жамоат ташкилотларига берилган киска муддатли ссудалар

13005	-	Жамоат ташкилотларига берилган утган ссудалар
13009	-	Жамоат ташкилотларига берилган шартлари кайта куриб чикилган киска муддатли ссудалар
13099	-	Жамоат ташкилотларига берилган киска муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
13100	-	Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга берилган киска муддатли ссудалар
13101	-	Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга берилган киска муддатли ссудалар
13105	-	Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга берилган муддати утган ссудалар
13109	-	Хусусий корхоналар , ширкатлар ва корпорацияларга берилган шартлари кайта куриб чикилган киска муддатли ссудалар
13199	-	Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга берилган киска муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
13200	-	Банк булмаган молиявий муассасаларга берилган киска муддатли ссудалар
13201	-	Банк булмаган молиявий муассасаларга берилган киска муддатли ссудалар
13205	-	Банк булмаган молиявий муассасаларга берилган муддати утган ссудалар
13209	-	Банк булмаган молиявий муассасаларга берилган шартлари кайта куриб чикилган киска муддатли ссудалар
13299	-	Банк булмаган молиявий муассасаларга берилган киска муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)

13300	-	Бошка банкларга берилган урта муддатли ссудалар
13301	-	Бошка банкларга берилган урта муддатли ссудалар
13305	-	Бошка банкларга берилган шартлари кайта куриб чикилган урта муддатли ссудалар
13399	-	Бошка банкларга берилган урта муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
13500	-	Хукуматга берилган урта муддатли ссудалар
13501	-	Хукуматга берилган урта муддатли ссудалар
13505	-	Хукуматга берилган шартлари кайта куриб чикилган урта муддатл ссудалар
13599	-	Хукуматга берилган урта муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
13700	-	Жисмоний шахсларга берилган урта муддатли ссудалар
13701	-	Жисмоний шахсларга берилган урта муддатли ссудалар
13705	-	Жисмоний шахсларга берилган шартлари кайта куриб чикилагн урта муддатли ссудалар
13799	-	Жисмоний шахсларга берилган урта муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
13800	-	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган урта муддатли ссудалар
13801	-	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган урта муддатли ссудалар
13805	-	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган шартлари кайта куриб чикилган урта муддатли ссудалар
13899	-	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган урта муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
13900	-	Давлат корхона ва ташкилотларига берилган урта

		муддатли ссудалар
13901	-	Давлат корхона ва ташкилотларига берилган урта муддатли ссудалар
13905	-	Давлат корхона ва ташкилотларига берилган шартлари кайта куриб чикилагн урта муддатли ссудалар
13999	-	Давлат корхона ва ташкилотларига берилган урта муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
14000	-	Жамоат ташкилотларига берилган урта муддатли ссудалар
14001	-	Жамоат ташкилотларига берилган урта муддатли ссудалар
14005	-	Жамоат ташкилотларига берилган шартлари кайта куриб чикилган урта муддатли ссудалар
14099	-	Жамоат ташкилотларига берилган урта муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
14100	-	Кушма корхоналарга берилган урта муддатли ссудалар
14101	-	Кушма корхоналарга берилган урта муддатли ссудалар
14105	-	Кушма корхоналарга берилган шартлари кайта куриб чикилган урта муддатли ссудалар
14199	-	Кушма корхоналарга берилган урта муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
14300	-	Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга берилган урта муддатли ссудалар
14301	-	Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга берилган урта муддатли ссудалар
14305	-	Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга берилган шартлари кайта куриб чикилган урта муддатли ссудалар
14399	-	Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга

		берилган урта муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
14400	-	Банк булмаган молиявий муассасаларга берилган урта муддатли ссудалар
14401	-	Банк булмаган молиявий муассасаларга берилган урта муддатли ссудалар
14405	-	Банк булмаган молиявий муассасаларга берилган шартлари кайта куриб чикилган урта муддатли ссудалар
14499	-	Банк булмаган молиявий муассасаларга берилган урта муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
14500	-	Бошка банкларга берилган узок муддатли ссудалар
14501	-	Бошка банкларга берилган узок муддатли ссудалар
14505	-	Бошка банкларга берилган шартлари кайта куриб чикилган узок муддатли судалар
14599	-	Бошка банкларга берилган узок муддатли судалар буйича курилиши мумкун булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
14700	-	Хукуматга берилган узок муддатли ссудалр
14701	-	Хукуматга берилган узок муддатли ссудалр
14705	-	Хукуматга берилаг шартлари кайта куриб чикилган узок муддатли ссудалар
14799	-	Хукуматга берилган узок маддатли ссудалар буйича курилиши мумкун булган зарарларни коплаш захираси (котр-актив)
14900	-	Жисмоний шахларга берилган узок маддатли судалар
14901	-	Жисмоний шахларга берилган узок маддатли судалар
14905	-	Жисмоний шахсларга берилган шартлари кайта куриб чикилган узок муддатли ссудалар

14999	-	Жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
15000	-	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узоқ муддатли ссудалар
15001	-	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узоқ муддатли ссудалар
15005	-	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган шартлари кайта куриб чикилган узоқ муддатли ссудалар
15099	-	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узоқ муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
15100	-	Давлат корхонаси ва ташкилотларига берилган узоқ муддатли ссудалар
15101	-	Давлат корхонаси ва ташкилотларига берилган узоқ муддатли ссудалар
15105	-	Давлат корхонаси ва ташкилотларига берилган шартлари кайта куриб чикилган узоқ муддатли ссудалар
15199	-	Давлат корхоналари ва ташкилотларига берилган узоқ муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
15200	-	Жамоат ташкилотларигаа берилган узоқ муддатли ссудалар
15201	-	Жамоат ташкилотларига берилган узоқ муддатли ссудалар
15205	-	Жамоат ташкилотларига берилган шартлари кайта куриб чикилган узоқ муддатли ссудалар
15299	-	Жамоат ташкилотларига берилган узоқ муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
15300	-	Кушма корхоналарга берилган узоқ муддатли ссудалар

15301	-	Кушма корхоналарга берилган узок муддатли ссудалар
15305	-	Кушма корхоналарга берилган шартлари кайта куриб чикилган узок муддатли ссудалар
15399	-	Кушма корхоналарга берилган узок муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
15500	-	Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга берилган узок муддатли ссудалар
15501	-	Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга берилган узок муддатли ссудалар
15505	-	Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпарацияларга берилган шартлари кайта куриб чикилган узок муддатли ссудалар
15599	-	Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга берилган узок муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)

Кредит берилганда кимга ва кайси муддатга берилаётганлигига караб юқоридаги кредит сётларидан бири дебетлариб 10301- «Банкнинг вакиллик хисовараг»и кредитланади. Кредит портфелида ҳам юқоридаги кетма-кет суда хисоб-варақлар бўйича жойлаштирилади

Тижорат банклари кредит фаолияти аудити Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига ва бевосита тижорат банкининг кредит сиёсатига асосланган ҳолда ўтказилади.

Кредит портфели таҳлилига асосланган ҳолда аудит муайян берилган кредитга банкнинг таваккалчилигини аниқлайди. Ушбу босқич алоҳида эътибор беришни талаб этади. Чунки аудиторлар таваккалчилик даражасига қараб аниқ кредитга нисбатан ҳисобланган захирани кўпайтириш ёки камайитиришга ҳақлидир, бу эса банк активининг сифатида ўз ифодасини топади.

Кредит портфелининг ҳолатини таҳлил қилишда аудитор кредит бериш билан боғлиқ бир нечта кўрсаткичларни, яъни берилган кредитнинг ўзига хос хусусияти, унинг таъминланиши, фоизларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида даромад ҳисобварақларига олиниши, қайтарилиш муддатлари ва ҳоказоларни ўрганиши лозим бўлади.

Кредит портфели бўйича чекловларни банк капитали захиралар суммасига нисбати.

№	Кредитлаш соҳаси	Чеклов миқдори
1	Бир компания учун	10-20%
2	Бир гуруҳ компаниялар учун	25-50%
3	Саноатнинг биргина тармоғи учун	50-100%
4	Ўзаро боғлиқ тармоқ учун	200-500%
5	Бозор сегменти	1000-1500%
6	Узоқ муддатли кредитлар	500-600%

Демак, қуйидаги жадвалдан шу нарса кўринадики кредит бераётган банк бир компания учун ўз капиталининг 10-20 %дан ортиқ кредит бермаслиги керак. Бир гуруҳ компаниялар учун эса ўз капиталининг

25-50% дан ортиқ кредит бермаслиги керак.

Саноатнинг бир тармоғида фаолият олиб бораётган корхона ва компанияларга капиталнинг 50-100 %дан ортиқ кредит берилса, банк ўз кредит портфелини риск (ҳавф) остига қўйган бўлади. Худди шундай ўзаро боғлиқ тармоқда фаолият олиб борилаётган корхоналарга ва компанияларга капиталнинг 2 ёки 5 бароваридан ортиқ кредит берилмаслиги лозим.

Бозор сегменти деганда корхоналар, ҳукумат, аҳоли кабилар тушунилиши керак. Бозор сегментига бериладиган кредитлар капиталнинг 10 ёки 15 бароваридан ошмаслиги керак.

Биз биламизки узоқ муддатли кредитлар банкнинг секин даромад келтирувчи активларидан бири ҳисобланади ва ҳавф даражаси ҳам юқори. Шунинг учун узоқ муддатли кредитлар капиталнинг 5 ёки 6 бароваридаш ошмаслиги керак.

Кредит портфели бўйича қуйидагилар аудитдан ўтказилади:

- кредит олиш учун берилган буюртмаларнинг махсус китобда рўйхатдан ўтказилиш тартиби;
- ажратилган кредитлар бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби, ҳужжатларнинг тўлиқлиги, кредит қайтарилган ҳолатда ҳужжатларнинг белгиланган тартибда архивга топширилиши;
- кредитларнинг ҳар бир турига очилган аналитик ҳисобларнинг юритилиш тартиби;
- кредит бўйича ҳисобланган фоизларнинг ўз вақтида тўғри ҳисобланиши, уларнинг тегишли ҳисобварақларга ўз вақтида ўтказилиши;

- муддати ўтган кредитлар ҳисобини ўз вақтида бухгалтерия ҳисобварақларида акс эттириш тартиби;
- берилган кредитлар учун талаб қилиб олинган муддатли мажбуриятномаларнинг тўлиқлиги ва уларнинг ҳисоби;
- кредит портфели текширилгандан сўнг, йўл қўйилган хатоликларни кўрсатиб бериш ҳамда уларни бартараф этиш ва кредит портфели сифатини яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиши талаб этилади.

Банк кредит фаолияти аудитининг асосий мақсади кредит операцияларини амалга оширишда ички назорат тизимининг ишончилигини баҳолашдир.

Банкларда банкнинг кредит фаолиятини аудит қилиш дастурлари ишлаб чиқилган бўлиб, шулардан бирини кўриб чиқамиз.

Аудитнинг бу дастури қуйидаги беш бўлимдан иборат:

1. Кредит портфелининг умумий таҳлили.
 2. Кредит папкаларни ўрганиш.
 3. Кредит операциялари бўлими фаолияти.
 4. Кредит кўмитаси фаолияти.
 5. Кредит фаолияти текширувлари бўйича аудиторлик хулосаси.
1. Кредит портфелининг умумий таҳлили банк кредит портфелининг тўлиқлигини, кредит фаолияти самарадорлигининг баҳосини, банкнинг бошқа филиаллари кредит портфелининг қиёсий сифат характеристикасини таъминлайди.

Кредит портфелининг умумий таҳлили қуйдаги уч асосий қисмдан иборат:

- а) кредит портфелининг таҳлилида кредитларнинг жорий ҳолати, муддати, иқтисодий тармоғи, % ставкаси, таъминот тури, сифати, молиялаштириш манбаи ва кредитнинг мақсади кўриб чиқилади.
- б) кредит фаолияти самарадорлигининг баҳоси қуйидагиларни ўз ичига олади: актив операциялар рентабеллигининг ва кредитлар бўйича кутиладиган зарарларни қоплаш учун резервлар бўйича харажатлар даражасининг таҳлили; фоизли даромадлар таркиби; резервларни шакллантириш бўйича харажатлар; фоизли харажатларни ҳисобга олган ҳолда кредит фаолиятининг рентабеллиги.
- с) банк филиали кредит портфелининг ҳолатини ҳудди шундай бошқа филиалларники билан таққослаш. Бу жараён кредитлаш самарадорлигининг ҳақиқий баҳосини таъминлайди.

2) Кредит папкаларини ўрганиш таҳлили қуйидаги 6 қисмдан иборат:

- а) кредитни расмийлаштириш кредит ҳужжатларининг қонунчилик ва ички норматив талабларга жавоб бера олиши инвентаризациясини таъминлайди.
- б) кредитдан фойдаланиш ссуда ҳисобварақларидаги қолдиқларнинг аниқлигини, кредит ресурслар санасининг вауларга белгиланган фоизларнинг тўғрилигини, кредитнинг молиявий лойиҳа шартларига мувофиқ мақсадли ишлатилганлигини текширишни таъминлайди жараён қуйдаги масалаларни ўз ичига олади:
- кредит ресурсларидан фойдаланиш санаси (даври);
 - фойдаланиш суммаси;
 - кредит йўналиши-қайси банкка, қайси ташкилот ҳисобрақамига, қайси ҳужжатлар асосида.
 - маблағлардан мақсадли фойдаланиш.

с) кредит шартномаси бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши – барча мувофиқ ҳужжатларнинг вақтида банка етказилиши, бизнес режа кўрсаткичларининг бажарилиши, кредит бўйича қарздорнинг тўлов мажбуриятларини амалга ошириши, кредит бўйича фоиз ва комисион ҳақларнинг тўғри ҳисобланиши.

д) мониторинг-доимий кузатув бўйича функция ва лойиҳа ҳолатини, қарздор ва таъминот предметини баҳолаш:

- лойиҳанинг дастлабки мониторинги (кредитни беришгача);
- жойига бориб кредитдан мақсадли фойдаланишни текшириш;
- лойиҳани ҳар кварталда мониторинг қилиш;
- қарздорни доимий мониторинг қилиш;
- таъминотни ҳар кварталда мониторинг қилиш, йилида камида

2 марта қайта баҳолаш;

- кафил ва гарантни ҳар кварталда мониторинг қилиш;
- лойиҳа рентабеллигининг таҳлили;
- текшириш натижалари бўйича маълумотнома ва актларни тайёрлаш;

➤ банкнинг кредит қўмитаси томонидан қарздорнинг кредитдан мақсадсиз фойдаланганлиги, қарздор ёки кафил молиявий ҳолатининг, гаров предмети физик ҳолатининг ёмонлашган ҳолларда адекват чораларини ўз вақтида қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

➤ муаммоли кредитлар ва улар бўйича фоизларни ҳисобдан чиқариш бўйича масалаларини банк кредит қўмитаси томонидан ўз вақтида ҳал этилиши бўйича қарорлар қабул қилиш.

е) кредитнинг жорий ҳолати бўйича маълумотларини очиб бериш:

- ссуда ва муддати ўтган қарздорлик бўйича қолдик;
- қарздорнинг молиявий ҳолати;
- кредитнинг умумий сифати;

- таъминотнинг ҳолати;
- шакллантирилган резервлар суммаси.

f) кредит сифати бўйича аудиторлик хулосаси-кредит реал ҳолатининг баҳоси ва камчиликлар мавжуд бўлганда уларни тўғрилаш бўйича чоралар ишлаб чиқиш;

- кредит сифати;
- кредит риси баҳоси;
- шакллантирилган резервлар адекватлиги баҳоси;
- тавсиялар.

3) Кредит операциялар бўлими фаолияти - ички назорат тизимининг таркибий қисми бўлган жорий назоратни таъминловчи масъул банк бўлими ишининг самарадорлигини баҳолаш;

- бўлим тўғрисида низом ва ишчилар билан танишиш;
- бўлим иш режаси;
- кредит инспекторларининг мажбуриятлари;
- ишчи ва бўш ўринларнинг ҳақиқий миқдори;
- иш тартиби;
- кредит бўлими ходимларининг иш ҳажми (кредит лойиҳаларинг ходимлар ўртасида тақсимланиши);
- муаммоли кредитлар билан ишлаш самарадорлиги;
- техник ва иқтисодий ўсишларнинг даврийлиги;
- кредит ишларининг олди-берди актларининг мавжудлиги;
- назорат қилувчи органлар томонидан ташқи текширишларнинг миқдори, камчиликларни йўқотиш бўйича чораларнинг кўрилиши.

4) Кредит қўмитаси фаолияти-таркибий қисмнинг ишини самарадорлигини баҳолаш, яъни банкнинг кредит функциясини назорат қилувчи масъул шахсни.

- кредит қўмита таркиби ва кредит фаолиятига қатнашиши;
- кредит қўмита мажлисини ташкил этиш тизими;
- қарорларни қабул қилишда жамоавийлик;
- кредит қўмитаси протоколларини акт қилиш ва сақлаш;
- қарздорликни 60-90 кундан ортиқ муддатга чўзилиши мавжуд бўлган ҳолларда ўстирмаслик мақомини бериш бўйича ўз вақтида қарорлар қабул қилиш;
- кредитларни қайта таснифлаш ва шакллантирилган резервлар адекватлиги бўйича қарорларни ўз вақтида қабул қилиш;
- муаммоли кредитлар ва улар бўйича фоизларни ҳисобдан чиқариш бўйича ўз вақтида қарорларни қабул қилиш.

5) Кредит фаолияти натижалари бўйича аудиторлик хулосасини тайёрлаш-текширишнинг якуний босқичи бўлиб, ички назорат тизимини ишончлилигининг якуний баҳосини чиқаришга қаратилган.

Ҳужжатларни танлама текширишда қуйидагилар зарур:

- барча ҳужжатлар йиғиндисида натижалар экстрополяциясини амалга ошириш;
- ҳужжат хатоликлари миқдорини ва умумий ҳажмдаги улушини, қиймат хатоликлари ва оборотдаги улушини акс эттириш;
- ички назоратнинг риск даражасини баҳолаш;
- ички назорат тизимининг ишончлилигини баҳолаш;
- камчиликлар содир бўлишининг асосий сабабларини аниқлаш;
- аниқланган камчиликларни йўқотиш бўйича тавсияларни тайёрлаш.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу дастур доирасида аудиторлик текширувини амалга ошириш кредит фаолиятининг барча аҳамиятга молик бўлган жойларини тўлиқ қамраб олишини таъминлайди.

Кредит операциялари етарли даражада кўп қиррали ва мураккаб бўлиб, уларни амалга оширишда банкда бир қанча хатоликлар ва бузилишлар рўй бериши мумкин. Аудитор тижорат банклари кредит фаолиятини аудит қилишда ушбу хато ва қонунбузарликларни ўрганиб чиқиши керак. Уларни кредит ишининг алоҳида йўналиши бўйича қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- кредит ишини ташкил этишдаги хатолар;
- кредит шартномалари ва гаров операцияларини расмийлаштиришдаги хатолар;
- актив ва пассив кредит операцияларини амалга оширишдаги ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришдаги хатолар;
- ссудалар бўйича йўқотишлар учун заҳираларни ташкил қилиш ва улардан фойдаланишдаги хатолар.

Кредит ишини ташкил этишдаги хатолар:

- банк кредит сиёсати тўғрисидаги Низомнинг йўқлиги;
- кредит операцияларини амалга оширишда лимит ва чекловларнинг ўрнатилмаганлиги;
- берилган ссудаларнинг етарлича асосланмаганлиги;
- қарздорга кредит беришда унинг молиявий ҳолати тўлиқ қилинмаганлиги;
- қарздорнинг кредит тарихи ўрганилмаганлиги;
- кредитланадиган битимда бизнес-режа ва техник-иқтисодий асос таҳлилининг қилинмаганлиги;
- кредитни беришда банк томонидан кредит рискин баҳоламаслик;
- берилган кредитлардан мақсадли фойдаланишни назорат қилмаслик;

- кредит шартномаларидан бажарилиши ва қарздор молиявий ҳолати устидан назоратнинг бўш ташкил қилинганлиги;
- берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликларнинг келиб чиқишига сабабларни таҳлил қилмаслик.

Кредит шартномалари ва гаров операцияларини расмийлаштиришдаги хатолар:

- кредит шартномасида зарур маълумотларнинг йўқлиги (қарздорнинг тўлов реквизитлари, кредитни бериш, асосий сумма ва фоизини тўлаш муддатлари, шартнома шартларини бажармаганда жарима санкциялари ва бошқалар);
- баъзи мижозлар кредит папкасининг тўлиқ шакллантирилмаганлиги;
- шартнома тузилганда қарздорнинг мулк объектига эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжат ва суғурта полисининг йўқлиги;

Актив ва пассив кредит операцияларини амалга оширишдаги ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришдаги хатолар:

- балансдан ташқари ҳисобрақамларда гаров предметининг нотўғри акс этиши, гаров мулки аналитик ҳисобининг йўқлиги;
- муддати ўтган кредитларни тегишли ҳисобрақамларга ўз вақтида ўтказмаслик;
- балансдан ташқари ҳисобрақамларни ўз вақтида ёпмаслик.

Тижорат банкларини кредитлар бўйича йўқотишларга таъсир этувчи омиллари таҳлили натижасида Фарбий Европа банкирлари ички омилларни таъсири кўп деган хулосага келдилар. Жаҳон Банки маълумотларига кўра кредит йўқотишларини 67 фоизига банкнинг ички омиллари сабаб бўлса, 33 фоизи эса ташқи омиллар сабаб бўлади.

Кредит йўқотишларига таъсир қилувчи асосий омиллар.

Ички омиллар	67 %	Ташқи омиллар	33 %
Таъминот етишмаслиги	22 %	Компанияни банкротлиги	12 %
Кредит аризаси таҳлил қилинганда нотўғри баҳолаш	21 %	Кредиторларни ҳақларини талаб қилишлари	11 %
Мижоз фаолиятини яхши ўрганмаслик	18 %	Оилавий муаммолар	6 %
Таъминотни ёмонлиги	5 %	Таъмагирлик	4 %
Бошқа ички омиллар	1 %		

Ссудалар бўйича йўқотишлар учун заҳираларни ташкил қилиш ва улардан фойдаланишдаги хатолар:

- ссуданинг таъминот критерияси бўйича нотўғри таснифланганлиги (масалан, ссуда таъминланган деб топилган, аммо гаровнинг ҳақиқий (бозор) баҳоси ссуданинг асосий суммаси ва шартнома бўйича келишилган фоизини банкка тўлаш учун етарли эмас);
- риск гуруҳи ўзгарганда заҳира коррективировкаси ўз вақтида амалга оширилмаганлиги;
- ташкил этилган заҳира суммасини муддати ўтган ссудалар бўйича заҳиралар ҳисобрақамига ўтказилмаганлиги;
- заҳираларнинг муддати ўтган фоизларни балансдан чиқариш учун ишлатилмаганлиги;

Хулоса

Банклар фаолиятида кредит операциялари асосий ўринни эгаллагани учун уларнинг кредит портфелини тўғри ташкил қилиш банкларнинг самарали ва барқарор фаолият кўрсатиши учун имконият яратиб берувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Кредит портфелини ташкил қилишда кредитнинг асосий тамойиллари мақсадлилиқ, муддатлилиқ, таъминланганлиқ, тўловга қобиллиқ ва қайтариб бериш қабиларга мукамал риоя қилиш лозим. Кредитлаш тамойилларининг бузилиши тижорат банкининг қобил кредит портфелининг сифатининг тушиб кетишига олиб келади

Кредит портфели таҳлилига асосланган ҳолда аудит муайян берилган кредитга банкнинг таваккалчилигини аниқлайди. Ушбу босқич алоҳида эътибор беришни талаб этади. Чунки аудиторлар таваккалчилик даражасига қараб аниқ кредитга нисбатан ҳисобланган заҳирани кўпайтириш ёки камайитиришга ҳақлидир, бу эса банк активининг сифатида ўз ифодасини топади. Кредит портфелининг умумий таҳлили банк кредит портфелининг тўлиқлигини, кредит фаолияти самарадорлигининг баҳосини, банкнинг бошқа филиаллари кредит портфелининг қиёсий сифат характеристикасини таъминлайди.

Тижорат банкларини кредит портфели таркиби бўйича йўқотишларга таъсир этувчи омиллари таҳлили натижасида Фарбий Европа банкирлари ички омилларни таъсири кўп деган хулосага келдилар. Жаҳон Банки маълумотларига кўра кредит йўқотишларини 67 фоизига банкнинг ички омиллари сабаб бўлса, 33 фоизи эса ташқи омиллар сабаб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банк тўғрисида”ги қонуни. Тошкент – 1995 16 апрел
2. Ўзбекистон Республикасининг “Банк ва банклар фаолияти тўғрисида”ги қонуни. Тошкент – 1996 25 апрел
3. Ўзбекистон Республикасининг “Гаров” тўғрисидаги қонуни. 1999. йил 15 январ
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори. 2005 й. 15апрел.
5. “2011-2015 йилларда Республика молия банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига еришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” 1438-сонли қарори 2010 й 26 ноябр.
6. Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида низом ЎзР АВ 28.05.2005 й. 905-1-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МБ Қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган
7. Ўзбекистон республикаси банкларида кредит хужжатларини юритиш тартиби тўғрисида низом АВ томонидан 27.02.2001 й.да 906-1-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган.
8. Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида АВ томонидан 2004 йил 17 декабрда № 1435 сон билан рўйхатга олинган низом.

9. Абдуллаев Ё, Қоралиев Т, ва бошқалар “Банк иши”. Ўқув қўлланма “Иқтисод-Молия”, 2009 й

10. Лаврушин О.И. Банковское дело: учебник. 2-е изд. Перераб. и доп. / О.И.

11. Омонов А.А. “Тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқариш”. Т.: “Фан ва технология” Монография, 2008 йил

12. Лаврушина. – М.: Финансы и статистика, 2008. Г

13. Бозор, пул ва кредит журналі №1-2011й. Муллажанов Ф.М. “Ўзбекистон тизими: молиявий барқарорлик ва иқтисодиётни модернизациялаш йўлида”

14. Алимов И.И. “Тижорат банкларини қимматли қоғозлар билан операциялари” ўқув қўлланма Т.:ТДИУ 2010

15. С.Норқобилов ва бошқалар “Кредит механизми ва унинг элементлари” Фарғона-2012

16. Интернет сайтлари:

www.bankir.ru

www.state.us

www.cer.uz.

www.tfi.uz

www.bir.uz

www.bma.uz

www.cbu.uz

www.finance.uz

www.review.uz